



O'ZBEK TILI VA ADABIYOTI

ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ

2 / 2020

МУНДАРИЖА

Тилшунослик

Н.Махмудов. Илмий матнда термин таносиби ва такомилли	11
Ё Одилов. Ўзбек тили ва унинг этномаданий зангинлиги	12

Адабиётшунослик

Қ.Эргашев. Фуркатнинг насрий мероси	23
Д.Юсупова. Темурийлар даври арузшунослиги манбалари	24
А.Курбонov. Навоий тахаллуслари ва таносуб санъати	25

Илмий-адабий мулоқот

У.Ҳамдам, Ш.Дониёрова. Ёзувчи, замон ва қахрамон хақида	40
---	----

Илмий ахборот

Ш.Имомназарова, Н.П. Остроумов – ўзбек халқ кўшиқлари тўпловчиси сифатида	45
О.Ҳамроева. XX аср бошларида илми кофияга муносабат	51
Й.Раҳматов. Мақол ва эртак муносабатига доир	52
Б.Шукурова. Ҳикояда миллий характер ва замонавий муаммолар талқини	53
М.Жўраева. Ҳозирги ҳикоячиликда инсон концепцияси	61
Г.Жўракулова. Ўзбек халқ дostonларида от таърифи	62
Б.Жафаров. "Кодекс Куманикус"нинг яна бир нусхаси хақида	64
Ў.Назаров. "Афлотун" романида бадий макон тасвири	73
А.Эшқобилов. Ўзбек адабиётида балладанинг ўрганилиши	74
И.Мадраҳимов. Таҳлил услублари ва сўз моҳияти хусусида	75
Н.Улуков, Ш.Низомова. Айрим тахаллусларнинг лексик-семантик таҳлили	76
Ҳ.Усмонова. Синтагматик маъно ва унинг ифодаланиш йўллари	86
И.Мирзаалиев. Ўзбек тилида миллий-маданий коннотациянинг ифодаланиши	88
Ф.Мусаева. Ўзбек шеваларида миллий реалиялар	92
Д.Неъматова. Синонимларнинг услубий хусусиятлари	97
Г.Қабулжонова. Метафора ва унга ёндош ходисалар	100
Р.Юсубова. Жим қолиш усули ва прагматик маъно	102
Д.Жамолиддинова. Терминлар қахрамон нутқини индивидуаллаштирувчи восита сифатида	106
Л.Синдорov. "Ҳибат ул-ҳақойиқ"даги форсий ўзлашмалар	109
Р.Абдуллаева. Кўчма маънода қўлланувчи касаллик номлари	111
Н.Исматуллаева. Хитой ва ўзбек тилларида соматик лақуналар	114
Ш.Алпанова. Инсон руҳиятини ифодалашда олмошларнинг ўрни	117

Фанимиз заҳматкашлари

Н.Махмудов, Д.Лутфуллаева, Дурдона Худойберганова	121
Ҳ.Ҳомидий, Раҳим Воҳидов	122

Танқид. Тақриз. Библиография

А.Абдукодиров. Навоийшуносликка доир муҳим тадқиқот	127
Ш.Аҳмедова. "Ўзбек адабиётшунослигининг икки маликаси"	128

Хитойгача кўриб, дунёдаги воқеалар, сиёсий ҳаёт ва ижтимоий тартиблар билан қизиқиб, улар ҳақида мулоҳаза юритади, нафақат мулоҳаза юритади, балки матбуотга кўтариб чиқади. У энди глобал микёсда фикр юритади. Рус-япон уруши дейсизми, инглизларнинг Афғонистондаги босқинчилик сиёсати, афғон халқининг босқинчиларга қарши кураши, инглизлар кўл остидаги Ҳиндистонда диний масала, инглиз-бурлар уруши – буларнинг барчаси Фуркатнинг мақолалари ва шеърларида ўз ифодасини топади. Ўша даврда Туркистонимизда бу даража ва микёсда фикрлайдиган яна бошқа бир сиймо бўлгани бизга маълум эмас. Шу маънода Фуркат тарихимизда нодир бир ходисадир.

Фуркат насрий меросининг таркибий қисми бўлган публицистик асарлар ҳақида сўз кетганда бир масалага ҳам тўхталиб ўтиш жоиз. Тадқиқотчилар мазкур асарларнинг ўзбек публицистикасининг дастлабки намуналари сифатидаги аҳамиятини қайд этар эканлар, уларни хабар, мақола деб атаганлар. Бу ўринда мазкур мақолаларга хос бир жиҳат уларнинг эътиборидан четда қолган: мақолаларнинг кўпчилиги мактуб (асосан, муҳаррир номига) тарзида ёзилган, бинобарин, улар жанр нуқтаи назаридан ҳам ўзига хосликка эга.

РЕЗЮМЕ. Мақолада Фуркатнинг насрий мероси тасниф қилиниб, автобиографик асари таҳлилга тортилади ва публицистикаси хусусидаги мулоҳазалар илгари сурилади.

РЕЗЮМЕ. В статье приводится классификация прозаического наследия Фурката, проанализированы автобиографические произведения и приведены размышления исследователя о публицистике поэта.

RESUME. The article classifies Furkat's prose legacy, analyzes his autobiographical work, and puts forward his views on journalism.

Таянч сўз ва иборалар: наср, публицистика, жанр, тасвир, маҳорат.

Ключевые слова и выражения: проза, публицистика, жанр, изображение, мастерство.

Key words and word expressions: prose, journalism, genre, image, skill.

Дилнавоз ЮСУПОВА

ТЕМУРИЙЛАР ДАВРИ АРУЗШУНОСЛИГИ МАНБАЛАРИ

Темурийлар даври арузшунослиги шу даврда аруз илмига доир яратилган асарлар ва улар муаллифларининг назарий қарашлари тизимини ўз ичига камраб олади. Бу асарлар сирасига Шайх Аҳмад ибн Худойдод Тарозийнинг “Фунун ул-балоға” (1336/1337), Алишер Навоийнинг “Мезон ул-авзон” (1492), Абдурахмон Жомийнинг “Рисолаи аруз” (XV асрнинг иккинчи ярми), Атоуллоҳ Хусайнийнинг “Бадойиъу-с-санойиъ” (1493), Сайфий Бухорийнинг “Арузи Сайфий” (1490/1491) ва Захириддин Муҳаммад Бобурнинг “Аруз рисоласи” (1524–1525) каби рисоалари киради. Муаллифлар рисоаларнинг муқаддимаси ва турли ўринларида ўзлари истифода этган ва таъсирланган манбаларнинг номларини айтиб ўтганлар. Бу манбалар орасида Маҳмуд Замахшарийнинг араб тилида яратилган “Ал-қистос”, форсигўй олимлар Шамс Қайс Розийнинг “Ал-мўъжам” ва Насируддин Тусийнинг “Меъёр ул-ашъор” асарлари алоҳида ўрин эгаллайди. Айнан мана шу манбалардаги асосий тушунчалар, унсурлар ва талқинлар бу давр арузининг шаклланишида бош мезон бўлиб

хизмат килган. Шу боис, ушбу манбалар билан темурийлар даври рисолалари орасидаги таъсир масалаларини ўрганиш аҳамиятли бўлиб, бу орқали форсий ва туркий арузнинг такомил ва ривожини аниқлаш имконияти пайдо бўлади. Арузшуносликда халигача ушбу рисолаларнинг ўзиндан кейинги рисолаларга таъсири масалалари ўзаро қиёсий жиҳатдан ўрганилмагани мазкур рисолалар тадқиқининг заруратини оширади.

Махмуд Замахшарийнинг “Ал-қистос” асари муқаддима ва турли қисмдаги беш фасл, баҳрлар тавсифи ва кичик хотимадан иборат. Муқаддима мусулмон Шарқидаги анъанага кўра, хамд ва наът билан бошлангач, рисола тартиб бериш билан боғлиқ сабабларга тўхтаб ўтилади. Замахшарий асарнинг муқаддимасида адабий илмлар таснифини келтирар экан, уларни 12 синфдан иборат деб билади: 1) луғат илми, 2) ақлий илм, 3) иштиқоқ илми, 4) эъроб (флексия) илми, 5) маоний илми, 6) баён илми, 7) аруз илми, 8) кофия илми, 9) наср яратиш илми, 10) шеър айтиш илми, 11) китобат илми, 12) муҳозара (нотиклик) илми¹. Олимнинг фикрича, шеършунослик илмини яхши эгаллаш учун юқоридаги кўрсатилган хабардор бўлиш зарур. Ушбу тасниф кейинчалик Ажам ашъолари томонидан жузъий ўзгартиришлар билан қабул қилиниб, мазкур адабий илмлар шеършуносликда асос² вазифасини адо этган.

Махмуд Замахшарийгача яратилган арузга доир асарларда аслий рукнлар таркибида содир бўлувчи ўзгаришлар зиҳоф ва иллатларга келтирилган эди. Агар аслий рукндаги ўзгариш сабабнинг таркибида содир бўлса, уни *зиҳоф* деб атаганлар, ватад ва фосила таркибидаги ўзгариш *иллат* деб номланган³. Лекин “Ал-қистос”да барча ўзгаришлар ўзгаришликда зиҳоф номи билан кўрсатилиб, ҳар бир аслий рукндан ҳосил бўлувчи тармоқ рукнлар таҳлил қилинган. Бундай ёндашув туркий шеършуносликка доир илк назарий манба – Шайх Аҳмад Тарозийнинг “Фунун ул-балоға” асарида ҳам кузатилади. У зиҳофга таъриф берар экан, аслий рукнлар таркибида содир бўладиган ўзгаришлар: харфларни артириш, қисқартириш, ташлаб юбориш билан боғлиқ барча ходисалар *зиҳоф* эканлигини таъкидлайди. Бу ҳолат кейинчалик барча рисолалар учун анъана тусига киради.

Рисолада баҳрлар масаласи алоҳида фаслда таҳлил қилинган. Баҳр бу рукнларнинг бирикувидан ҳосил бўлувчи ритмик бўлак бўлиб, “Ал-қистос”да 16 та баҳр тавсифланганини кузатиш мумкин: 1) *Тавил*; 2) *Шоъб*; 3) *Басит*; 4) *Вофир*; 5) *Комил*; 6) *Ҳазаж*; 7) *Ражаз*; 8) *Рамал*; 9) *Сарф*; 10) *Мунсарих*; 11) *Хафиф*; 12) *Музорий*; 13) *Муқтазаб*; 14) *Муқтасс*; 15) *Мутақориб*; 16) *Ракз* (*Мутадорик*)⁴.

¹ Махмуд Замахшарий. Ал-Қистос ал-мустикам фи илм-ил-аруз. – Байрут: Мактабат ал-маъриф, 1989, 15–16-бетлар.

² “Ғиёс ул-луғот” асарининг муаллифи Муҳаммад Ғиёсуддин адабий илмларга қуйидаги 12 та илмни келтирди, уларнинг аксарияти Замахшарий таснифи билан мос келади: 1) сарф илми; 2) ақлий илми; 3) луғат илми; 4) баён илми; 5) маоний илми; 6) бадеъ илми; 7) наҳв илми; 8) кофия илми; 9) аруз илми; 10) танқидчилик илми; 11) иншо илми; 12) китобат илми.

³ Чофэр Э. Өрузун нәзәри әәсләри вә Азәрбајчан әрузу. – Бакы: Елм, 1977, 71-бет.

⁴ Ракз ёки мутадорик баҳри арузшуносликка Халил ибн Аҳмаддан кейин унинг издоши ва шогирди Абулхасан Аҳфаш Балхий томонидан (ваф. 830/833) киритилган.

Замахшарий бахрларни икки қисмга ажратиб тасниф қилган: 1) муттафик ул-аркон (бир хил аслий рукнлардан ташкил топган бахрлар). Буларга *Комил, Вофир, Ҳазаж, Ражаз, Рамал, Мутақориб, Рақз (Мутадорик)* бахрлари киритилган; 2) мухталиф ул-ажзо (турли аслий рукнларнинг такроридан ҳосил бўладиган бахрлар). Буларга *Тавил, Мадид, Басит, Сарий, Мунсарих, Хафиф, Музорий, Муқтазаб, Мужтасс* бахрлари киради. Бахрларни бу тарзда тасниф қилиб ўрганиш уларнинг ўзига хос хусусиятлари (қандай рукнлардан таркиб топгани)ни ўзлаштиришга ёрдам беради. Айнан шу тасниф ҳам кейинчалик Шайх Аҳмад Тарозийнинг “Фунун ул-балоға” асарида қўлланган. Тарозий ҳам бахрларни икки қатга гуруҳга ажратиб, тасниф қилади: 1) *муттафиқ ул-ажзо* – фақатгина бир аслий рукндан, яъни муаллиф таъбири билан айтганда, аркони солимадан ташкил топган бахрлар. Масалан, *фаувлун* рукни байтда саккиз марта такрорланиб келса, бу айнан муттафиқ ул-арконга кирувчи *Мутақориб* бахридир; 2) *мухталиф ул-ажзо* – турли аслий рукнларнинг такроридан ҳосил бўлган бахрлар. Масалан, *фаувлун мафойилун фаувлун мафойилун*. Кўриб турибмизки, икки солим рукн ўзаро алмашиб, янги бахрни ҳосил қилмоқда. Шайх Аҳмад Тарозий бир нуктага алоҳида урғу беради: “*Ва шарт улдурким, ул икки жузвниким, таркиб этиб, бахр қилурлар, бир-бирининг ухти* (опа-сингил – Д.Ю.) *керак. Агар бегона бўлса, бу тоифанинг қошинда раво эрмас*”⁵.

Бу ўринда шайх Аҳмад Тарозий эътибор қаратган нукта шуки, икки солим рукнни алмаштириб қўллаш натижасида мухталиф ул-ажзога кирувчи бирор бахр ҳосил қилинса, ундан кейинги бахр унинг аксини такрорлаши лозим, агар бу шарт адо этилмаса, у бахр сифатида тан олинмайди. Буни муаллиф мухталиф ул-ажзонинг биринчи ва иккинчи бахри сифатида келтирган бахрларнинг рукнларига диққат қилиш орқали янада яхшироқ тушуниб олиш мумкин. Биринчи бахр *Муқорин* деб номланиб, тақтеъи қуйидагичадир: *фаувлун фоилун фаувлун фоилун*. Энди иккинчи бахрга эътибор қаратамиз: бу бахр *Мувофиқ*, деб номланиб, унинг тақтеъи қуйидагича намоён бўлади: *фоилун фаувлун фоилун фаувлун*. Кўриб ўтилганидек, *Муқорин* бахридаги рукнларнинг ўрни алмашиниб такрорланса, *Мувофиқ* бахри ҳосил бўляпти. Бу эса шайх Аҳмад Тарозий таъкидлаганидек, *ул икки жузвнинг ухти*, яъни *опа-сингил бўлаётганини* билдиради. Демак, Шайх Аҳмад Тарозий “Ал-кистос”даги бахрлар таснифини ўз рисоласи учун асос қилиб олар экан, унга ижодий ёндашади: бахр ҳосил қилишда “ухти” тамойилини асос қилиб оляптики, бу тамойил Замахшарийда мавжуд эмас эди.

Туркий арузшунослик учун назарий асос сифатида хизмат қилган манбалардан яна бири форсий арузшуносликка доир илк рисола Шамс Қайс Розийнинг “*Ал-мўъжам фи маъойири ашъор ул-ажам*” (қискача “Ал-мўъжам”) асаридир. Умар Родуёнийнинг “Таржумон ул-балоға” асарида маълумот берилишича, форс арузи ва кофиясига доир илк асар ёзган олимлар Абул Аълоий Шуштарий ва Абу Юсуф (Х аср)лар бўлиб, афсуски, бу асарлар бизгача етиб келмаган⁶. Шунингдек, Низомий Арузий

⁵ Шайх Аҳмад ибн Худойдод Тарозий. Фунун ул-балоға (Бодлиан кутубхонасида сақланувчи Elliott. №127-рақамли қўлёзма). 78-бет.

⁶ Муҳаммад ибн Умар Родуёний. Таржумон ул-балоға. – Душанбе: Адиб, 1987. С. 11.

Самаркандий (вафоти – 1160) ҳам ўзининг “Чаҳор макóла” асарида Абулхасан Али Баҳром Сарахсий (вафоти – 1106) аруз илмига доир “Ғоят ул арузайн” асарини ёзгани ҳақида маълумот беради⁷, лекин бу асар ҳам хали-хануз тошилгани йўқ. Шу маънода замонавий арузшуносликда “Ал-мўъжам” асари форсий тилдаги илк манба сифатида эътироф этилади.

“Ал-мўъжам” мукаддима, икки асосий қисм ҳамда хотимадан иборат. Асарнинг аввалги қисми аруз илми таҳлилига бағишланган. Иккинчи қисм эса илмлар учлигининг кейинги икки тармоғи: кофия ҳамда баъдий санъатлар талқинидан иборат. Муаллиф аруз билан боғлиқ масалаларни тўрт бобда баён қилади. Дастлабки боб арузнинг маънолари, рукнлар шарҳи ҳамда арузий истилоҳлар ҳақида бўлиб, муаллиф дастлаб шарҳ ва назм тушунчаларини фарқлар экан, арузга шундай таъриф беради: “Балғилки, мансур сўз мезони наҳв (синтаксис) бўлганидек, манзум сўз мезони аруздир”. Аруз дейилишига сабаб сифатида муаллиф куйидаги фикрни келтиради: “У шунинг учун ҳам аруздирки, шеърни унга арз қилдилар”⁸. Рисоладаги анъанага кўра, олим бирор истилоҳ хусусида сўз арифтанда, аввал унинг луғавий, кейин эса истилоҳий маъносини келтириб ўтади. Масалан, байт ва унинг тузилиши ҳақида сўз борар экан, унинг арабча “уй” экани, бу тушунча қадимги арабларнинг чодирини билан боғланишини таъкидлаб, сўнгра садр, ибтидо, аруз ва зарб тўғрисида маълумот беради. Ёки сабаб – *арқон*, ватад – *ёғоч қозиқ*, фосила – *икки жик ораси* маъноларини билдиришини айтиб ўтар экан, ушбу тушунчаларнинг аруз фанида кейинчалик истилоҳ кўринишига эга бўлганини асослайди. Бундай ёндашувни кейинроқ Алишер Навоийнинг “Мезон ул-авзон” асарида кузатамиз. Навоийнинг ёзишича, Халил ибн Аҳмад яшаган ҳудуд яқинида “Аруз” деган водий бўлган ва бу водийда араблар чодирдан уйлар тикиб, уларни безатиб сотган эканлар. Уйни “байт” деб аташар экан. Байтнинг мавзун-номавзун (маънели-вазисиз) эканини аруз фанининг ўлчовига солиб кўришганидек, безатилган уйлар ҳам баҳога солиб, ўлчаб кўрилар экан. Шу тарика мазкур илм ушбу водий номи билан “Аруз” деб атала бошланган⁹.

Арузга доир қисмнинг иккинчи боби рукнлар таркибидан ҳосил бўлувчи жузв ва вазнлар таҳлилига бағишланган. Муаллиф дастлаб ҳар бир рукннинг ёлғиз ўзидан таркиб топган байтларни келтирар экан, бундай байтлар таъбага маъқул ва хушоҳанг эмаслигини таъкидлайди. Хусусан, фақат сабаби хафифдан таркиб топган байт:

То кай моро дар гам дорӣ

*То кай бар мо ори хорӣ?*¹⁰

(Мазмуни: Қачонгача бизни ғамда ушлайсан, қачонгача бизга хорлик келтирасан?)

⁷ Низомий Арузий Самаркандий. Нодир хикоятлар (Форсийдан М.Ҳасаний таржимаси). – Тошкент: Ғ.Ғулом номидан Адабиёт ва санъат нашриёти, 1985, 29-бет.

⁸ Шамси Қайси Розий. Ал-мўъжам (Муаллифи сарсухану тавзеҳот ва хозирқунданан Ғулом Ғуломов). – Душанбе: Адиб, 1991. С. 31.

⁹ Алишер Навоий. Мезон ул-авзон // Тўла асарлар тўплами. Ўн жилдлик. 10-жилд. – Тошкент: Ғ.Ғулом номидан НМИУ, 2011, 534-бет.

¹⁰ Шамс Қайси Розий. Ал-мўъжам, 45-бет.

Бир рукннинг ўзидан матбуъ шеър хосил бўлмаслиги билан боғлиқ бундай фикр “Ал-мўъжам”дан кейин ёзилган арузга доир деярли барча рисолаларда анъанага айланди. Алишер Навоий “Мезон-ул авзон” (“Вазнлар ўлчови”) асарида фақат *сабаблардан таркиб топган байт сифатида қуйидаги мисолни келтирса:*

*Эй ой, келжим, ёрингдурмен,
Фурқат шоми зорингдурмен¹¹.*

Бобур эса “Рисолаи аруз” асарида “Ал-мўъжам”да келтирилган байтни айнан келтиради¹².

Учинчи боб асллар таркибидаги ўзгаришлар (зиҳофлар) ва улардан пайдо бўлувчи фуруълар (тармоқ рукнлар) таҳлилига бағишланган. Шамс Қайс Розий ушбу бобда юқорида келтиргани 10 та аслдан вужудга келувчи зиҳофларга тўхталиб ўтади. Муаллифнинг фикрича, уларнинг сони ўттиз бешта бўлиб, йигирма икkitаси араб арузига, колган ўн учтаси ажам арузига хос. Араб арузига мансуб зиҳофларга муаллиф қуйидагиларни киритади: *қабз, қаср, ҳазф, хаби, кафф, шакл, харм, харб, шатр, қатъ, ташъис, тайй, вақф, кайф, салм, муоқабат, садр, ажсуз, турфон, муроқабат, исбог, анола¹³*. Ажам арузига эса қуйидаги зиҳофлар киритилган: *жадъ, ҳатм, жаҳф, таҳниқ, салх, тамс, жабб, залал, нахр, рафъ, рабъ, батр, ҳазаз*. Темурийлар даври рисолаларида ушбу истилохлардан 28 таси зиҳоф сифатида қабул қилинган.

“Ал-мўъжам” биринчи қисмининг тўртинчи боби қадим ва ҳадис (янги) баҳрлар зикри, доиралар накши, байтлар тактеъи ва баҳр жузвларини бир-биридан фарқ қилиш тўғрисидадир¹⁴. Ушбу бобда Шамс Қайс Розий баҳрларнинг вужудга келиш усуллари ва уларнинг доираларга бирлашиши ҳақида сўз юритади экан, даставвал араб арузида 15 та баҳр борлигини, улар беш доира таркибига киритилганини айтади. Ҳар бир баҳрнинг луғавий ва истилоҳий маънолари, доираларнинг номларини батафсил изоҳлайди. Бу изоҳлар кейинчалик Сайфий Бухорийнинг “Арузи Сайфий” асарига ўзгаришсиз ўтади. Ушбу баҳрлардан бештаси (*Тавил, Мадид, Басит, Вофир ва Комил*) араб шеърятини учун хос бўлиб, Ажам шоирлари фақат ўз маҳоратларини кўрсатиш учунгина уларда шеър битганларини, ушбу баҳрлар солим таъбдан йироқ эканлигини кўрсатиш учунгина улардан намуналар келтиришини таъкидлайди. Кейинги фаслларда колган баҳрлар (форсий арузшунослар томонидан кейинчалик киритилган баҳрлар билан бирга 14 та) мисоллар билан батафсил изоҳланади, улар киритган тўрт доира таҳлил қилинади. Бу ҳолат темурийлар даври арузшунослардан Абдурахмон Жомийнинг рисоласида

¹¹ Алишер Навоий. Мезон ул-авзон, 535-бет.

¹² Заҳриддин Мухаммад Бобур. Мухтасар (Нашрга тайёрловчи С.Ҳасанов). – Тошкент: Фан, 1976, 17–18-бетлар.

¹³ Ушбу истилохлардан муаллиф гарчи муокибат, садр, ажз, турфон, муроқабатни зиҳофлар каторида санаб ўтса-да, лекин аслий руқналарнинг зиҳофини келтиришда уларга тўхталиб ўтмайди, бу истилохларни алоҳида фаслда “лақаб дигар” (бошқа номлар) номи билан изоҳлайди. Дарҳақиқат, ушбу санаб ўтилган истилохлар зиҳоф бўлмасдан, байт ва унинг таркибига тегишли ходисалардир.

¹⁴ Шамс Қайси Розий. Ал-мўъжам. С. 63.

ҳам кузатилади: у араб баҳрларининг батафсил таҳлилидан воз кечиб, 14 баҳрга тўхталиб ўтган ва ушбу баҳрларни тўрт доирада кўрсатиб берган.

Шамс Қайс Розий ушбу бобда, шунингдек, илк форсий арузшунослар Баҳром Сарахсий ва Бузургмехр Қойинийлар томонидан кашф этилган 21 мустаҳдас (янги) баҳр ҳамда уларни бирлаштирадиган уч доира ҳақида ҳам маълумот беришни лозим топади. Ушбу баҳрлардан *Сарим*, *Кабир*, *Бадил*, *Калиб*, *Ҳамид*, *Сағир*, *Асамм*, *Салим*, *Ҳамим* баҳрлари “Доираи мунъакиса”; *Қотъ*, *Муштарак*, *Муаммам*, *Мусаттар*, *Муайян*, *Боис* баҳрлари “Доираи мунғалата”, *Маснуъ*, *Мустаъмал*, *Ахрас*, *Мубҳам*, *Мухмал*, *Маъкус* баҳрлари “Доираи мункатика” таркибига киритилган¹⁵.

Кўринадики, темурийлар даври арузшунослиги учун Шамс Қайс Розийнинг “Ал-мўъжам” рисоласидаги баъзи тамойиллар: арузий атамаларнинг луғавий маъноларини ҳам изоҳлаш, жузвлар моҳиятининг байтлар асосидаги талқини, баҳрларга ёндашув ва доиралар миқдори билан боғлиқ баъзи ўринлар назарий асос вазифасини ўтаган. Бу кўпроқ Абдурахмон Жомий, Сайфий Бухорий ҳамда Бобур рисолаларида кўзга ташланади.

Насируддин Тусийнинг “Меъёр ул-ашъор” асари ўзидан кейин яратилган форсий ва туркий шеършуносликка доир рисоалар: Абдурахмон Жомийнинг “Рисолаи аруз”, Алишер Навоийнинг “Мезон ул-ашъор”, Атоуллоҳ Ҳусайнийнинг “Бадойиъу-с-санойиъ”, Захириддин Бобурнинг “Аруз рисола”си учун назарий асос вазифасини ўтаган. Асар муқаддима ҳамда икки йирик қисм: илми аруз ва илми қофияга доир баъзиларни ўз ичига олади. Муқаддима ўз навбатида яна уч фаслга бўлинади – унда шеърнинг моҳияти, уни вужудга келтирувчи унсурлар, вазн ва қофия, уларнинг истилоҳий ва луғавий маънолари ҳақида сўз боради.

Арузга доир бўлим нисбатан катта бўлиб, ўн фаслдан иборат. Биринчи ва иккинчи фаслларда мутаҳаррик ва сокин ҳарфлар, уларнинг ўзига хос жиҳатлари ҳақида фикр юритилади. Учинчи фасл эса ушбу мутаҳаррик ва сокин ҳарфлардан пайдо бўлувчи бирликлар, яъни *жузвлар* таслилга бағишланади. Тусий жузвларни тасниф қилишда уларни *сабаб*, *ватад* ва *фосила*га ажратиб, ушбу жузвларнинг ҳар бири яна икки қисмга бўлинишини таъкидлайди. Шу ўринда Тусийнинг масалага ёндашишда форсий тил қонуниятларини алоҳида ҳисобга олганини таъкидлаш керак. Муаллифнинг фикрича, форсий сўзлар фақат *сабаб* ва *ватад* каби жузвларнигина ўз ичига олади, *фосила* эса арабий калималарга хосдир ва форсий аруз учун аҳамиятга молик эмас¹⁶. Муаллиф бунда кичик фосила (VV –) нинг сабаби сақил (VV) ва сабаби хафиф (–) дан, катта фосила (VVV –) нинг эса сабаби сақил (VV) ва ватади мажмуъ (V –) дан таркиб топганлигини асослайди ҳамда сабаб ва ватаднинг ўзи рукн ясашда етарли жанлигини, аруз илмида фосилага эҳтиёж йўқлигини таъкидлайди. Бу фикр кейинчалик темурийлар даври арузшунослигида Атоуллоҳ Ҳусайний, Сайфий Бухорий томонидан қисман, Бобур томонидан тўқалигича қабул қилинган.

¹⁵ Ўша асар, 148–150-бетлар.

¹⁶ Насируддини Тусий. Меъёр ул-ашъор (Ҳозиркунандаҳон чоп У.Тоиров, Ж. Абдуллоев, Р.Жалол. – Душанбе: Ориёно, 1992. С. 24.

“Меъёр ул-ашъор”нинг тўртинчи фасли ушбу жузвлардан пайдо бўлувчи рукнлар ҳақидадир. Муаллифнинг фикрича, ҳар жузнинг такроридан аслий рукнлар ҳосил бўлади ва улар таркибига кўра *ҳумосий* (беш ҳарфли) ёки *субоъий* (етти ҳарфли) бўлади. Аслий рукнлар араб арузида суратда ўнта, ҳақиқатда эса саккиздадир. Ушбу саккизта рукндан иккитаси, яъни *фаувлун* ва *фоилун* ҳумосий, қолганлари эса субоъийдир. Форсий арузда эса аслий рукнлар ҳақиқатда еттита, суратда эса бештадир. Ушбу беш аслий рукн (*фаувлун*, *мафоийлун*, *фоилотун*, *мустафъилун*, *мафъувлотун*) шеъриятда мустаъмал, яъни кенг истеъмолда бўлиб, *мафоилатун*, *мутафоилун* номуустаъмал, яъни кенг қўлланмаган.

Бешинчи фаслдан бошлаб, баҳрлар ва улардан ҳосил бўлувчи доиралар тавсифига ўтилади. Муаллиф араб арузига хос бўлган беш доирани келтириб ўтади. Булар “Доираи мухталифа”, “Доираи мўъталифа”, “Доираи мужталиба”, “Доираи муштабаҳа” ва “Доираи муттафика” бўлиб, рисолада ушбу доираларга мансуб бўлган баҳрлар йигирма иккита эканлиги айтилади. Шулардан 10 таси (*Ҳазаж*, *Ражаз*, *Рамал*, *Сариъ*, *Қариб*, *Мунсарих*, *Хафиф*, *Музориъ*, *Мужтасс*, *Мутақориб*) форсий шеъриятда кенг қўлланилиши таъкидланади. Қолган баҳрлар эса, муаллифнинг фикрича, зиҳофлар оркали ифодаланади. Шунингдек, арабларга таклидан ёзилган баъзи шеърлар ҳам бор, лекин улар форсий шеъриятнинг асосий баҳрларига мувофик эмас. Араб арузига хос бўлган *Тавил*, *Мадид*, *Басит*, *Вофир* ва *Комил* баҳрлари эса оҳанг жиҳатдан чиройли бўлмай, форсий тил қонуниятларига ҳам мувофик келмайди¹⁷.

Олтинчи фасли рукнлар ва улардан ҳосил бўлувчи зиҳофлар ҳақида. Маълумки, аслий рукнлар шеър таркибида турли ўзгаришларга учрайди ва бу ўзгаришлар *зиҳофлар* деб аталади. Зиҳофга учраган рукнларни *музоҳаф* ёки *фаръий* рукнлар деб аташ қабул қилинган. Ўзгариш деганда, рукнга бирор ҳаракатли ёки сокин ҳарфларни қўшимча қилиш ёки аксинча, бир ёки бир канча ҳаракатли ёки сокин ҳарфларни камайтириш назарда тутилади. Муаллифнинг фикрича, рукнда икки хил ўзгариш юз бериши мумкин. Агар бир хил ўзгариш рўй берса, *муфрад* ўзгариш, агар ўзгариш икки ёки ундан зиёд бўлса, бу *мураккаб* ўзгариш деб аталган. Бундай тасниф кейинчалик Бобур томонидан ҳам қабул қилинган ва “Аруз рисоласи”да қўлланган.

Асарда жами ўттиз тўртта зиҳоф келтирилган. Муаллифнинг таснифига кўра, улардан йигирматаси муфрад (*махбун*, *матвий*, *мақбуз*, *макфуф*, *музмар*, *маъсуб*, *мавқуф*, *мақиуф*, *мақсур*, *мақтӯъ*, *маҳзӯф*, *аҳазз*, *аслам*, *мушаъас*, *аслам*, *аҳрам*, *аъсаб*, *мусаббаъ*, *музол*, *мураффал*), ўн тўрттаси эса мураккаб ўзгаришга учраган (*маиқул*, *махбул*, *маъқул*, *манқус*, *мактӯф*, *мавқус*, *мажзул*, *абтар*, *асрам*, *аштар*, *аҳраб*, *ақсам*, *ажам* ва *аъкас*) музоҳафлардир.

Тусий рисоласининг еттинчи фасли “Ҳар бир баҳрнинг мустаъмал вазнлари тафсили” деб номланиб, унда муаллиф дастлаб араб арузига хос баҳрларни келтиришни маъқул топади ва бунда Халил ибн Аҳмад изидан бориб, ҳар бир вазнга у келтирган мисолни, кейин эса форсий адабиётдан мисол беришни лозим деб ҳисоблайди. Баҳрлар улар мансуб бўлган доиралар билан бирга келтирилади. Бунда дастлаб “Доираи мухталифа”га мансуб *Тавил*, *Мадид*, *Мақдуби Тавил*, *Басит*, *Вофир*, *Комил* каби жами

¹⁷ Ўша асар, 33-бет.

ахти баҳр мустаъмал вазнлар билан боғлиқ ҳолда таҳлил қилинади. Дивкатга сазовор жиҳати, *Мақлуби тавил* (ариз) баҳри форсий арузшунослар томонидан кашф этилган бўлиб, араб манбаларида учрамайди. “Доираи мужталиба” баҳрларига форсий шеърятда етакчи бўлган *Ҳазаж, Раҷаз, Рамал* баҳрлари ва улардан ҳосил бўлувчи вазнлар киритилган. “Доираи муштабаҳа”га *Сарий, Қариб, Мунсарих, Хафиф, Мўзориъ, Муқтазаб, Мужтасс* баҳрлари, “Доираи муттафика”га эса *Мутақориб* ва *Ғариб* (Мутадорик) баҳрлари киритилган.

Рисоланинг саккизинчи фасли рукнларга дахли бўлмаган Ғағаришлар тадқиқига, тўққизинчи фасл баъзи форсий истилоҳлар тавсифига бағишланган. Биринчи бўлимнинг сўнгги – ўнинчи фасли аруз шўмининг манфаати ва фойдалари ҳақида. Муаллиф ушбу фойда ва манфаатларни мисоллар билан асослашга ҳаракат қилади.

Кўринадики, Насируддин Тусийнинг “Меъёр ул-ашъор” асаридаги баъзи ўринлар: фосила билан боғлиқ фикрлар, зихофлар таснифи, мақлуби тавил (ариз) баҳрига доир қарашлардан кейинчалик темурийлар давридаги рисолаларда фойдаланилган.

Биз темурийлар даври арузшунослиги учун асос бўлган назарий манбаларни ўрганиш асносида қуйидаги хулосаларга келдик:

1. Бу давр рисолалари учун арабнавис олим Маҳмуд Замахшарийнинг “Ал-китос”, форсий арузшунослар Шамс Қайс Розийнинг “Ал-мўъжам”, Насируддин Тусийнинг “Меъёр ул-ашъор” асарлари назарий асос вазифасини ўтаган. Эътиборли жиҳати, ҳар учала олим ҳам асли туркийлардан бўлиб, ўша давр анъаналари ва фаолият кўриган мухитлари мезонлари асосида ўз асарларини араб ва форс тилларида яратганлар.

2. Маҳмуд Замахшарийнинг “Ал-китос” асари Шайх Аҳмад Тарозийнинг “Фунун ул-балоға”сида, Шамс Қайс Розийнинг “Ал-мўъжам” рисоласи эса Абдурахмон Жомийнинг “Рисолаи аруз”, Алишер Навоийнинг “Мезон ул-авзон”, Атоуллоҳ Ҳусайнийнинг “Бадойиъ ус-савойиъ”, Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг “Аруз рисола”сида; Насириддин Тусийнинг “Меъёр ул-ашъор” асари эса Шайх Аҳмад Тарозийнинг “Фунун ул-балоға”, Алишер Навоийнинг “Мезон ул-авзон” ва Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг “Аруз рисоласи” асарларида тилга олинади.

3. Темурийлар даври арузшунослиги учун Маҳмуд Замахшарийнинг “Ал-китос” асарида келтирилган баъзи тамойиллар: зихофлар талқини, баҳрлар таснифи билан боғлиқ ўринлар назарий асос вазифасини ўтаган бўлса (Шайх Аҳмад Тарозий, Бобур асарлари мисолида), Шамс Қайс Розийнинг “Ал-мўъжам” рисоласидаги арузий атамаларнинг луғавий маъноларини изоҳлаш, жузвлар моҳиятини байтлар асосида талқин қилиш, баҳрларга ёндашув билан боғлиқ жиҳатлар “Арузи Сайфий”, “Рисолаи аруз” ва “Аруз рисоласи” учун муҳим аҳамият касб этган. Насируддин Тусийнинг “Меъёр ул-ашъор” асаридаги баъзи ўринлар: фосиланинг мустақил жузв эмаслиги билан боғлиқ фикрлар, зихофлар таснифи, мақлуби тавил (ариз) баҳрига доир қарашлардан Бобур рисоласида фойдаланилган.

4. Бу давр арузшунослари гарчи баъзи асар номларини ўз рисолалари муқаддималарида махсус тилга олмасалар-да, лекин асар таркибида баъзан арузга доир муайян рисола ҳақида йўл-йўлакай фикр

билдириб кетадиларки, бу асарлар бевосита бўлмаса-да, билвосита темурий даври арузшунослиги учун аҳамият касб этади. Навоий “Мезон ул-авзон”да тилга олган Дарвеш Мансурнинг “Аруз”, Бобур “Рисолаи аруз” асарида эслаб ўтган Исфохонийнинг “Меъёри Нусратий”, Вахид Табризийнинг “Жамъи мухтасар” асарлари шулар жумласидандир.

5. Баъзан темурийлар даври рисолалари ўз ичида бир-биридан таъсирланган манбаларни кузатиш мумкин. Хусусан, Алишер Навоий “Мезон ул-авзон”ни, Сайфий Бухорий “Арузи Сайфий”ни ёзишда Абдурахмон Жомийнинг “Рисолаи аруз”идан, Бобур “Аруз рисоласи”да Шайх Аҳмад Тарозийнинг “Фунун ул-балоға”, Абдурахмон Жомийнинг “Рисолаи аруз”, Алишер Навоийнинг “Мезон ул-авзон” асарларидан хабардор бўлганликлари кузатилади.

6. Юқоридаги ҳолатларнинг барчаси туркий арузшунослик учун фақат форсий манбалар эмас, балки бевосита араб тилидаги манбалар ҳам назарий асос вазифасини ўтаганлигини кўрсатади.

РЕЗЮМЕ. Мазкур мақолада темурийлар даври арузшунослиги учун асос бўлган назарий манбалар таҳлил қилинган. Бу давр арузшунослари ўз рисолаларини яратишда араб ва форс тилида яратилган арузга доир манбалар: Махмуд Замахшарийнинг “Ал-кустос”, Шамс Қайс Розийнинг “Ал-мўъжам”, Насируддин Тусийнинг “Меъёр ул-ашъор” асарларидан фойдаланганлар. Мақола муаллифи темурий арузшуносларнинг аруз илмидаги издошлиги ва кашшофлигини ўрганиш учун бевосита бу давр рисолаларини ушбу манбалар билан қиёсан ўрганиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайди. Мақолада бундай таҳлил арузга доир бирликлар: жузв, асл рукн, зиҳоф, баҳр ва доиралар мисолида амалга оширилган.

РЕЗЮМЕ. Настоящая статья посвящена сравнительному анализу теоретических источников арузоведения эпохи Темуридов. Арузоведы этой эпохи при создании своих научных трактатов ссылались на арабско- и персидскоязычные трактаты: “Аль-Кустас” Махмуда Замахшари, “Аль-Муджам” Шамса Кайса Рази, «Мейор аль-аш'ор» Насируддина Туси. Автор данной статьи предполагает целесообразность сравнительного изучения трактатов эпохи Темуридов и вышеприведенных источников для выявления преемственности и новаторства арузоведов. Подобный анализ в данной статье осуществлен на базе единиц аруза: джузв, асл рукн (основная стопа), метр, такти (парадигма), доира (концентрические круги).

RESUME. This article is devoted to a comparative analysis of theoretical sources, which became the basis for aruz studies during the Temurids. The historians of this era, when creating their scientific treatises, used sources in Arabic and Persian, such as: “Al-Kustas” Makhmud Zamakhshari, “Al-Mu’jam” Shams Kais Razi, “Me’yor al-ash'or” Nasiruddin Tusi. The author of this article believes that it would be advisable to directly study the treatises written during the Temurids period in comparison with these sources in order to study the consistency and innovation of our classics in the science of aruz. In the article, this analysis is based on the example of rhythmic units such as: juzv, asl rukn (main foot), meter, tactics (paradigm), doira (concentric circles).

Таянч сўз ва иборалар: аруз, жузв, рукн, сабаб, ватад, фасила, вазн, тактиъ, байт, мисра.

Ключевые слова и выражения: аруз, джузв (элемент), рукн (стопа), сабаб, ватад, фасила, стихосложный размер, такти' (парадигма), двустиишие, строка.

Key words and word expressions: aruz (prosody), juzv, rukn (foot), sabab, vatad, fasila, simple size, tactics (paradigm), couplet, string, doira (concentric circles).